



journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>

CAVE STUDIES AS A SUBJECT OF INTERNATIONAL ECOTOURISM

H. Djurakulov

Samarkand State University

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: karst process, cave, stalactite, stalactic, karst expert, karst karst towers, karst landscapes

Abstract: This article discusses Exploring caves in the for development of international tourism

Received: 16.11.24

Accepted: 18.11.24

Published: 20.11.24

ФОРЛАРНИ ХАЛҚАРО ЭКОТУРИЗМ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Х. Жўракулов

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Карст жараёни, коя, тош, спесиология, кудук, грот, шахта, фор, сталоктит ва сталакмидлар, карстшунос, каррлар, карст воронкалари, карст ландшафтлари.

Аннотация: Ушбу мақолада форларни муҳофаза қилиш ва туризмни ривожлантиришда форларнинг аҳамияти ва уларнинг жозибадорлигини ёритиб берилган.

ПРОБЛЕМА ИЗУЧЕНИЕ ПЕЩЕР КАК ОБЪЕКТ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ТУРИЗМА

Х. Жўракулов

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Карстовые процессы, скала, камень, спесиология, колодец, грот, шахта, пещеры, сталоктит и сталакмид, карстовед, карри, карстовые воронки, карстовые ландшафты.

Аннотация: Настоящие статья раскрывается возникновения пещер и охрана их точка зрения туризма и аспекты зреши.

Кириш. Форлар сирлилиги ва мўжизага бойлиги билан қадим замонларданоқ кишини ўзига мафтун этиб келган. Бирок ўтмишда форларнинг ўзига хос табиати, улар ичидаги

коронгулик, зулмат ва сукунат кишиларни чўчитган. Шунинг учун бўлса керак ер қарида ҳосил бўлган табиатнинг бу мўжизаси хақида кўпдан кўп афсона ва ривоятлар тўқилган. Афсона ва ривоятларда тарифлашича, гўё ғорларда афсонавий қаҳрамонлари ёки тарки дунё қилган қаландарлар, девлар, вахший ҳайвонлар яшайди, дуру-жавохирлар яширилган. Айрим бадиий асарларда эса таъқибдан қочганларга, қарокчи ва контрабанда билан шуғуланувчиларга ўз бойлик ва аслаҳаларини яшириш учун маҳфий жой бўлиб хизмат қилганлиги хақида хикоя қилинади.

Умуман инсоният тарихида ғорлар муҳим ўрин тутади. Шунга кўра инсоният маданияти биринчи марта ғорларда юзага келган десак муболаға қилмаган бўламиз. Дастребаки даврларда инсон ўз қароргоҳларини ғорларда барпо этган, қадимги скульптура, барельефлар ва аждодларимиз томонидан уларнинг деворларига чизилган турли расмлар шулардан далолат беради. Кейинроқ эса сирли туюлган ғорларга ҳар хил инъомлар ҳатто қурбонликлар келтиришган, кўп ерларда, шу жумладан Жанубий Ўзбекистонда, баъзи ғорлар муқаддаслаштирилган.

Мақсад ва вазифалар. Ер шарида ғорлар жуда кенг тарқалган: баъзи туманларда узунлиги бир неча ўн, ҳатто юз километр, чуқурлиги эса бир неча минг метрдан зиёдроқ кўпгина ғорлар топилган. Уларнинг ичида узун-узун ер ости дарёлари, буларда кўплаб шаршаралар: катта-кичиклиги ва чуқурлиги ҳар хил ер ости кўллари, бу сув ҳавзаларида умри бўйи ёруғлик кўрмаган балиқлар мавжуд; катта-катта заллар, киши зўрға ўта оладиган тор йўлаклар, тош ва музликлардан ясалган ажойиб кўринишга эга бўлган шаклларни кузатиш мумкин. Улар ўзининг гўзаллиги билан чиндан ҳам кишини ажаблантиради ва ўзига мафтун этади.

Ер қарида ҳосил бўлган ғорлар жуда кўп мутахассисларни қизиқтириб келган. Улар ичида ҳосил бўлган турли фойдали қазилмалар геологларни, ер устига булоқ сифатида чиқаётган зилол, минерал ва термал сувлар гидрогеологларни, турли гидротехник ва бошқа иншоотларга хафв согланлиги учун инженер-геолог, гидротехник ва қурувчиларни, қадимда яшаган кишилар ва ҳайвонларнинг суюкларини ҳамда турли қолдиқлари топилганлиги учун палеонтологларни, антропологларни, археологларни, шифобахш хусусиятга эга бўлганлиги учун шифокорларни ва жозибадорлиги билан туристларни ўзига жалб қиласди.

Кейинги йилларда республикамизда ғорларни ўрганиш, унга бўлган қизиқиши, бизнингча сусайгандек. Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган ғорларнинг ҳаммаси ҳам яхши ўрганилган деб бўлмайди. Жумладан, ғорларни пайдо бўлиш масаласининг кўпгина кирралари ғоршунослик фанида ҳалигача жумбоқ бўлиб қолмоқда. Шу бугунга қадар ғорлар республикамиз ҳудуди геологик тарихининг қайси даврида ҳосил бўлганлиги

масаласи ишлаб чиқилмаган. Горларни ҳосил бўлиши жуда мураккаб геологик жараён бўлиб, бу жараённи карстшунослик (“карст” сўзи жанубий славян тилида “қоя” “тош” деган маънони беради) деб аталадиган фан асосида вужудга келган спеология фани ўрганади. “Спеология” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “спуланса-гор” деган маънони беради. Форшунослик ва карстшунослик фанлари бошқа фанларга нисбатан анча ёшдир. Бу фаннинг асос солинишига ва ривожланишига машхур карстшунос олимларимиздан Т.А. Максимович, Н.А. Гвоздевиский, М. Маматкулов, М.А. Абдужабборов, Р.Халимов, М.Хошимов ва бошқаларни айтишимиз мумкин. Улар томонидан қўплаб горлар топилди, ўрганилди ва бу соҳада бир неча илмий ишлар қилинди.

Форларнинг кўпинча сирли ва афсонавий ғоялар билан ўрганилишининг боиси нимада? Буни, энг аввало, инсон тафаккурининг нисбатан паст босқичларида ғорларда содир бўладиган турли воқеа ва ҳодисаларни тушуниб етмаслик ҳамда инсоннинг табиат кучлари олдида ожизлиги билан таърифлаш мумкин. Натижада, ғор ҳақидаги тасаввурлар, инсон онгига мавҳумлик ва сирлилик қобигига ўралаб борган.

Форлар табиатнинг ноёб ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Чунки улар табиатнинг тинимсиз қудратли меҳнати натижасида бир неча минг, миллион йиллар мобайнида вужудга келади. Табиат ёдгорликлари, шу жумладан ғорлар фақат бир марта ҳосил бўлиб, уларга тўлиқ ўхшагани қайта ҳеч қачон бунёд бўлмайди.

Кейинги йилларда жонли табиатни (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси) муҳофаза қилишга катта аҳамият берилиб, ҳайвон ва ўсимликларни камайиб ёки йўқолиб кетаётган турларини сақлаб қолиш учун маҳсус қўриқхоналар ҳатто “Қизил китоб” лар ташкил қилинган. Бундай тадбирларни амалга ошириш жуда катта ижобий натижалар бермоқда. Бироқ шуни алоҳида қайд қилиш керакки, жонсиз табиат ёдгорликлари, шу жумладан, ғорлар инсон фаолияти натижасида шикастланса ёки йўқ бўлиб кетса, уларни ҳеч қачон қайтадан тиклаш ва яратиш мумкин эмас. Уларнинг янгилари яратилиши мумкин, лекин булар ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Табиат томонидан узоқ геологик даврлар мобайнида яратилган жонсиз табиатдан тўғри ва оқилона фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир. Шу жумладан, туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Форлар ер ости саёҳатларини ёқтирувчилар учун ажойиб манзилгоҳлар ҳисобланади. Ҳар йили миллионлаб ер ости саёҳатининг ихлосмандлари ғорларга кириб, уларнинг гўзаллигидан завқ олади, баҳраманд бўлади. Форлар ичига кириш қисмидан бирдан юқорига ёки пастга қараб тик тушиб кетган бўлади. Шунинг учун ғорларнинг баъзи бир сайдёхларнинг хавфсиз томоша қилишлари учун қулайлаштирилган, улар ичида бетон ва асфальт йўллар ётқизилган, кўприклар қурилган, электр чироқлари, кўпинча прожекторлар ўрнатилган, ҳатто лифтлар ҳам қурилган.

Форларни туризм мақсадида фойдаланиш чет эл мамлакатларида айниқса яхши йўлга кўйилган. Масалан, Собиқ Югославиядаги Постойн Яма ғорини 170 йилдан ортиқ вақт ичida бутун дунёдан сайёхлар келиб томоша қилишади. Бу ғор 1818 йилда биринчи марта туристлар учун очилган. Унинг 4 км масофаси электрлаштирилган ва натижада эртаклардагидек манзара ҳосил бўлган. Форда жуда чиройли манзарали ҳосилалар ва дарёлар бор. 1818 йилда форга фақат 104 киши кириб томоша қилган бўлса, ҳозирги кунда унга кирувчилар сони миллиондан ортиб кетган. Ҳатто ғоршуносларнинг бутун дунё съездига шу ғор ичидаги бир залда очилган ва ҳозир бу зал “Съездлар зали” деб аталади. Бундан ташқари ғорда 10 минг кишилик концерт залида ҳар хил томошалар бериб турилади. Унинг бир залида 1-апрелдан 30 октябргacha дунёда ягона бўлган ер ости почтаси ишлаб туради.

Мотсоҳо Чехиядаги ажойиб ғорлардан бири ҳисобланади. Бу ғорга кириб томоша қилиш учун тикка кетган жар остидаги кўл бўйига тушиш керак, бу ердан ғорга кириб, қайиққа ўтирилади ва Пункве номли ер ости дарёси бўйлаб сузилади, 50 м чамаси сузилгандан сўнг, қайиқдан тушиб, йўлак бўйлаб юрилади ва ғорнинг “Афсонавий зали”га кирилади. Залнинг афсонавий деб аталиши бежиз эмас. Ғорнинг шипида саноқсиз узун ва ингичка сталактитлар пастга осилиб туради. Бу ерда чех афсонавий қаҳрамони шарафига аталган “Гус столба”си бор. У устун прожектор билан ёритиб қўйилган, бу эса унга ажойиб қўриниш беради.

Саёҳат ғор бўйлаб давом этади, яна қайикларга ўтирилади ва узун-узун коридорлардан ўтирилади, коридорлар заллар билан алмашинади, залларда кўллар учрайди, охири “Афсонавий кўл”га етиб келинади. Кўлнинг чукурлиги 40 м. Кўл сувининг остига прожектор ўрнатилиб, сув ёритиб турилади. Кейин саёҳат яна давом этади. Ниҳоят Пункае ер ости дарёси бўйлаб 700 м сузиб, ерга қадам қўйилади. Бу ғорда “Тош гул” кинофильми расмга олинган. Ҳақиқатдан ҳам тошдан ҳосил бўлган “гуллар” бу ғорда ўзини намоён қилган.

Ливан пойтахти Байрут шаҳридан 20 км узоқликда узунлиги 8 км ли Жейта ғори бўлиб, унинг ичida чиройли сталактит ва сталагмитлар ҳам ер ости дарёси бор. Ғорнинг ичida зинапоялар орқали ҳар куни юзлаб сайёхлар қурилган ва қайикларда ер ости дарёси бўйлаб сузишган. Улар тор тунеллардан сузиб ўтиб, катта залга киришади, зал афсоналардагидек гўзал. Бунинг устига залнинг деворлари ва ер остидаги сув ҳавзаси рангли чироқлар билан безатилган, бу эса унутиб бўлмайдиган манзарани ҳосил қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шундай қилиб тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, Чехияда 24 та, Собиқ Югославияда 25 та, Францияда 100 та, Англияда 40, Америка Кўшма Штатларида 366 та ғорлар туристлар учун жиҳозланган ва уларга ҳар йили кўплаб туристлар келиб томоша

қилишади. Бутун дунё бўйича бир йилда ғорларга 26 млн дан ортиқ киши кириб томоша қиласди.

Грузиянинг Кутаиси шаҳри яқинидаги жойлашган Стаплия ғорида (1925 йилда очилган) 1929 йилда Собиқ Совет Иттифокида биринчи ғор музейи ташкил қилинганди. Бу ер ости ғор музейини ташкил қилиниши мамлакатда ғоршунослик фанининг ташкил топиши ва ривожланишида катта роль ўйнаган. Ғор кўрикхона худудида жойлашганлиги сабабли у яхши муҳофаза қилинади. Форда ғоршуносликка оид жуда кўп кўргазмалар қўйилган. Ғор яқинидаги қадимда, яъни бундан 10 млн йил аввал яшаган динозаврларнинг 7 турини излари сақланган, бу ҳам ғорга келувчи туристларни жуда қизиктиради.

Ўрта Осиёда ҳам кўпгина ғорлар туристлар томонидан қадим замонлардан бери фойдаланиб келинмоқда. Лекин улар ҳозирга қадар туризм мақсадида учун яхши ўрганилмаган ва жиҳозланмаган. Фарғона водийси худудида жойлашган Ўш тоғларидағи Тахти Сулаймон, Чилмайрам, Бўстонлиқ туманидаги Хўжакент, Оби-раҳмат, Зарафшон тоғларидағи Ҳазрати Довуд ва бошқа ғорлар шулар жумласдандир [2].

Ўрта Осиё ғорлари ичида экотуристик мақсадлар учун фойдаланилаётган ва бироз жиҳозлантирилган ғорлардан бири Туркманистандаги Баҳориддин ғоридир. Бу ғорга ҳар йили тахминан 60 мингга яқин киши кириб томоша қиласди. Ғорга кирувчиларнинг сонининг бунчалик кўплигига яна бир сабаб, унинг ичида сувли кўлнинг мавжудлигидир. Ғорга келувчиларнинг мақсади фақат ғорни томоша қилиш эмас, балки ғор сувидан турли дардларга даво топиш ҳамдир.

Ўрта Осиёда экотуристлар учун жиҳозлантирилган ғорлардан яна бири Ўш тоғларидағи Тахти Сулаймон ғоридир. Ғор Ўш шаҳри яқинидаги жойлашган, унга бориш ва бемалол кириш учун яхши йўл солинганди. Форда ҳозир вилоят Ўлкашунослик музейи ташкил қилинганди ва яхши жиҳозлантирилган. Ғорга Ўш вилоятининг табиати, тарихи ва бошқа соҳаларини ёритувчи экспонатлар қўйилган. Унга кирувчилар фақат музей кўргазмаларини томоша қилмай балки ғорларнинг тузилиши билан ҳам танишишади.

Юқорида келтирилганлардан ташқари, ғорлардан халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари (чорвачилик, асаларичиликда ва бошқалар) да яхши фойдаланиб келинмоқда. Чорвачиликда ғорлар молхона сифатида жуда қадимдан фойдаланиб келинганди. Бу мақсад учун асосан кириш қисми кенг ва ичи ёруғ ғорлар танланади. Жанубий Ўзбекистоннинг кўпгина тоғли ва тоғ олди туманларида турли уй ва ёввойи ҳайвонлар ғорларга кириб, ёзда иссиқдан, кишда эса совуқдан сақланишади. Бундан ташқари, ғорларда пичан ва ўтин сақлаш учун омбор сифатида ҳам фойдаланилади. Бунга мисол қилиб, Фарғонадаги Лайлак дарёсининг ўнг қирғозида жойлашган узунлиги 25 м ва кенглиги 20 м номсиз бир ғорни

кўрсатиши мумкин. Бу ғорда чорва моллари йил бўйи сақланиб турилади. Унинг ичкариси икки қисмга ажратилган бўлиб, бир қисмида моллар, иккинчи қисмида ём-хашак сақланади.

Шу нарса қизиқки, Жанубий Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди туманлари бўйлаб саёҳат қилиниб, бу туманлардаги ғорлар узунлиги хақида маҳаллий аҳолидан сўралса, улар бу ғорга “шунча қорамол ёки кўй сифади” деган жавобни беради. Чорва молларини ғорларда сақлаш чет элда (Франция, Болгария, Испания, Италия ва бошқа мамлакатларда) ҳам яхши йўлга қўйилган. Форшунос М.М.Маматкуловнинг маълумотига кўра, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган (Пском қишлоғи яқинида) Ғовхона, Йўлбарсхона ва бошқа ғорлар асаларичиликда фойдаланилади. Асалари кутилари қиши кунлари шу ғорда сақланади [3].

Жанубий Ўзбекистон ғорлари ичida йигилган ва ҳосил бўлган қор ва музлардан маҳаллий аҳоли яқин йилларгача фойдаланган. Масалан, Зарафшон тоғларидағи денгиз сатҳидан 2500 метр баландда жойлашган узунлиги 40, эни 4-6, баландлиги 4-15 метрли Нуриддин ғоридаги қор ва музни форшунос олим М.Абдужабборовнинг ёзишича 1960 йилларга қадар Панжакент аҳолиси, роҳатижон (маҳаллий музқаймоқ) тайёрлашда ишлатганлар. Жанубий Ўзбекистондаги кўпгина ғорларда ҳаво ҳарорати паст бўлганлиги сабабли, уларда ёз кунлари одамлар, айниқса овчилар, чўпонлар кириб дам олишади. Қишида эса шамол ёғин-сочиндан сақланадилар [1].

Кейинги йилларда Ўзбекистон ғорларини томоша қилиш, уларнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиш мақсадида келувчи саёҳларнинг сони ошиб бормоқда. Саёҳлар, айниқса, маҳаллий халқ кўпроқ Амир Темур, Хазрати Довуд, Еттиқиз, Омонқўтон ва бошқа ғорларга кириб, ажойиб таассуротлар билан чиқадилар. Лекин бундай саёҳатлар жуда тартибсиз бўлиб, ғорларга зиён етказмоқда. Ғорлар ичидаги бир неча минг йиллар мобайнида бунёд этилган гўзал хосилалар синдирилиб, йўқ қилинмоқда, саёҳатлардан кейин турли ахлатлар қолдирилиб, ифлослантирилмоқда. Чақилкалон тизмаси ҳудудида жойлашган ўзининг археологик ёдгорликлари ва хосилалари билан машҳур Омонқўтон ғори, айниқса ёмон аҳволга тушиб қолган, ундаги хосилалар синдирилиб кетилган.

Бундан ташқари Чақилкалон тизмасидаги баъзи бир вертикал ғорлар ахлат ташланадиган ғорларга айлантирилган. Бундай ғорларга ҳар хил юқумли кассаликлардан нобуд бўлган молларнинг жасадлари ташланади, бу эса уларнинг ичida йигилган ер ости сувларини ифлослантирмоқда. Маълумки, бу ер ости сувларидан ер устига чиқаётган аҳоли истеъмол қилаётган булоқлар ўз сувини олади. Бундай холларга йўл қўймаслик керак. Ғорларни муҳофаза қилиш деганда уларни беркитиб, хеч кимни киритмасликни тушунмаслик керак. Айниқса, уларга зиён етказмасдан турли мақсадалар учун самарали фойдаланиш лозим. Чақилкалон тизмаси ҳудудидаги илмий ва амалий аҳамияти катта

ғорларни муҳофаза қилишдан мақсад улар табиат томонидан қандай бунёд этилган бўлса, шу холда сақлаш ва уларни келгуси авлодларга ўз холича қолдиришдир. Чақилкалон тизмасидаги илмий амалий ва эстетик жиҳатдан аҳамиятли ғорларни табиат ёдгорликлари деб эълон қилиш мақсадга мувофиқдир. Горларни муҳофаза қилиш учун улар атрофидаги ерларни ҳам ажратиб олиб, муҳофаза қилиш ишларини олиб боришга тўғри келади. Бунга сабаб, биринчидан, ғорлар атрофида кўпинча табиатнинг бошқа муҳофазага муҳтоҷ ландшафт обьектлари (геологик, гидрологик ва бошқалар) мавжуд бўлади. Иккинчидан, ғорлар ичида ер ости дарё ва кўуллари бўлса, уларнинг сувини ифлослантирумаслик учун ғорларда қаердан сув келаётганини аниқлаб, у ерда ҳам муҳофаза ишларини олиб бориш эҳтиёжи туғилади. Табиат ёдгорликлари деб эълон қилинган ғорларда муҳофаза ишларини олиб бориш учун ҳар қайси ғорга маҳсус экологик карточкалар тузиш зарур.

Хозирда Республикаизда бошқа мамлакатлар сингари карст ғорлари, сувларини ўрганишга, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунга сабаб ғорларни фақат сирлилиги ва кам ўрганилганлиги бўлмай, шу билан бирга уларни йилдан-йилга илмий ва амалий аҳамият касб этаётганлигидир. Табиатни, шу жумладан ғорларни муҳофаза қилишга мамлакатимизда ҳам, бутун дунёда ҳам катта эътибор берилмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг 1975 йилни ғорларни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилиши бежиз эмас.

Карст ғорларининг ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти жуда катта. Горлардаги томма шакл ва ҳосилалар архитектор, заргар ва бадиий хунармандлар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Декоратив тошлардан бири ҳисобланмиш мармар бўлади. Ўрта аср архитектурасининг дурдонаси бўлмиш мармар Гўри Амир мақбарасининг ички деворларини безатишда ана шу материалдан фойдаланган. Ўзбекистон тоғларини томоша қилиб уларни гўзаллигидан баҳраманд бўлиш мақсадида келувчи саёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Лекин бундай саёҳатлар жуда тартибсиз бўлиб, ғорларга катта зиён етказмоқда. Ғорлар ичидаги бир неча минг йиллар мобайнида бунёд этилган ажойиб ва гўзал, такрорланмас ҳосилалар синдирилиб, йўқ қилинмоқда, саёҳатлардан кейин турли ахлатлар қолдирилиб, ифлостлантирилмоқда. Саёҳатчилар ғорлардаги ҳосилалардан эсдалик олиш мақсадида уларни синдириб ташламоқдалар. Натижада уларнинг ажойиб жилвадор, серҳашам ва такрорланмас манзараси йўқолиб кетмоқда. Бунга мисол қилиб Фунжак ғорини кўрсатиш мумкин. Илгари бу ғор Ўзбекистон ер ости бўшлиқларини дурдонаси ҳисобланган ва турли ҳосилаларга бой бўлган. Уни ғор минерологияси бўйича ҳам музей, ҳам лаборатория дейиш мумкин [4].

Ғор бир қанча гротлар, кудуклар, йўлаклардан ташкил топган. Горнинг деворлари, шипи ва ости кальцит, арагоните, мармар оникси ва бошқа минераллар «гулдасталари»

билан қопланган эди. Бироқ ғорда мармар оникси аниқлангандан кейин, унга 40 метрли маҳсус штолня қазилиб, ичидаги табиатнинг бир неча минг йиллар мобайнида бунёд этилган хосилалари яксон қилинган. Натижада, ғор ўз «жамолини» бутунлай йўқотган. Гордаги мармар ониксидан фойдаланишда ундаги саёхатчиларда катта қизикиш уйғотган томма шакллар муҳофазасига хеч хам эътибор берилмаган. Эҳтиётсизлик оқибатида шаклларнинг кўпчилиги синдирилиб ташланган, бунинг устига ғорга кирган «эсталик ишқибозлари» нинг болға ва чўкичлари билан гўзал ажойиботларга чандиқлар тушираётганлиги, ўз исмларини ёзиб, «автограф» ёки «дастхатлар» қолдираётганликлари мутлақо ачинарли холат. Ғорлар тарқалган ҳудудларда яшовчи аҳоли ва сайёҳлар ўртасида ғорларнинг илмий, амалий ва эстетик аҳамияти ҳакида илмий оммабоб китоблар, рисолалар ёзиш, ва матбуотда, радио ва телевединияда чиқишлар қилиш ҳамда ғорларни муҳофаза қилишга маҳаллий география ўқитувчиларини жалб этиш яхши натижада беради.

Хулоса. Ғорлар табиатининг ноёб ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Чунки улар табиатнинг тинимсиз қудратли «мехнати» натижасида бир неча минг, ҳатто миллион йиллар мобайнида яратилган. Табиат ёдгорликлари, шу жумладан ғорлар, фақат бир марта ҳосил бўлиб, уларга ўҳшагани қайта ҳеч қачон бунёд бўлмайди. Уларнинг янгиси яратилиши мумкин, лекин булар ҳеч қачон бири иккинчисига ўҳшамайди. Юқорида республикамиз ҳудудидаги ғорларнинг айримларига қисқа бўлса хам саёхат қилдик, улар ҳакида анча-мунча маълумотлар келтирдик. Албатта, табиат ажойиботаларидан бири ҳисобланган ғорлар ҳакида жуда кўп гапириш мумкин.

Кейинги йиллар мобайнида республикамиз ғорларини ўрганиш соҳасида каттагина ишлар қилинди. Ўзбекистон ва унга ёндош туманларда мингга яқин карст ғорлари борлиги аниқланди ва ўрганилди, улардан турли қазилма бойликлар халқ хўжалигининг турли тармоқларидан фойдаланиш учун тавсия қилинди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ғорларнинг ҳаммаси ҳам яхши ўрганилаган деб бўлмайди. Айниқса, ғорларнинг пайдо бўлиш масаласининг кўпгина томонлари ғоршунослик фанида жумбоқ бўлиб келмоқда. Ҳозирга қадар ғорлар республикамиз ҳудуди геологик тарихининг қайси даврида ҳосил бўлганлиги масаласи ишлаб чиқилмаган. Карст ғорларининг ўзига хос гўзаликка эга эканлигини юқорида кўрсатган эдик. Шу сабабли уларни туризм мақсадида фойдаланиш имконияти ниҳоятда каттадир. Бироқ, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ҳудуди учун бу соҳада ҳозиргача ҳеч қандай иш қилмаган. Бу ҳудуддаги баъзи бир ғорларга ҳар йили баҳор ва ёз ойлари атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан кўплаб «ёввойи» саёҳлар келиб, хоҳлаган ишларини қилиб кетишади, ғорлар ичидаги гўзал хосилаларни синдириб олиб кетишади. Бундай тартибсизликлар ғорларга катта салбий таъсир курсатмоқда. Ўлкамиз ғорларини

муҳофаза қилишимиз ва улардан оқилона фойдаланишимиз, уларни табиат қандай яратган бўлса, шундай келгуси авлодларга қолдиришимиз бизнинг вазифамиздир, бу бизнинг келажак авлодлар олдидаги бурчимиздир.

Ўзбекистон ғоршунослари олдида келажакда катта вазифалар турибди. Биринчидан, бу ўлкада мавжуд бўлган ғорларнинг кўпчилиги ўрганилмаган, иккинчидан, уларни ўрганиш учун яхши методик қўлланма ишлаб чиқилмаган, учинчидан, ғорларни ўрганиш учун мутахассислар етарли эмас.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдужабборов М.А. Карст Зарафшанских гор: Автореф. Дисс..., канд. Геогр. Наук.- Перм, 1965.-с.20.
2. Гвоздецкий А.А. Типы карров некоторых пустынных и горных районов Средней Азии. Ташкент, 1979.
3. Jurakulov X. Zarafshon tizmasi va unga tutash tekisliklar landshaftlarining differensiatsiyalanish qonuniyatlari. Samarqand davlat Chet tillar instituti. Nashriyoti, Samarqand 2024. 134 bet.
4. Маматқұлов М.М. Ўрта Осиё ғорлари, Тошкент, “Фан”.-1969-98 б.
5. Маматқұлов М.М. Карст Заподного и Южного Тянь-Шаня. Ташкент. Фан,1979.

C.163